

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИК УНИВЕРСИТЕТИ САЙ ХАРАКАТЛАРИ “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ МАҚСАДЛАРИНИ КЎЗЛАЙДИ

**Муҳаммадиева Моҳинур Яхшибаевна**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти*

**Annotatsiya:** Мақолада “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш, унинг ижросини ташкил этиш ва мониторинг қилиш масалалари ўз аксини топган.

Стратегия асосида таълим тизими ислохотларига ҳам алоҳида ўрин берилгани ҳисобга олиниб, таълим ислохотларини тизимли асосда давом эттириш ва янги босқичга кўтариш масалалари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Жамоат хавфсизлик Университет доирасидаги амалга ошириб келинаётган сай ҳаракатларнинг барчаси, стратегиядаги мақсад ва кўрсаткичларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши кўзлаятгани акс эттирилган ислохотлар тизими келтирилган

**Калит сўз ва иборалар:** Жамоат хавфсизлик Университет, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 5 та асосий мақсади, халқаро таълимни ривожлантириш, Жамоат хавфсизлик Университет “Энг яхши давлат олийгоҳи-2023”, Харбий прокуратура билан ҳамкорлик.

### УНИВЕРСИТЕТА ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НАПРАВЛЕНА НА ДОСТИЖЕНИЕ ЦЕЛЕЙ СТРАТЕГИИ «УЗБЕКИСТАН-2030»

**Аннотация:** В статье отражены вопросы утверждения стратегии «Узбекистан-2030», организации и контроля ее реализации.

Учитывая, что особое место отведено реформированию системы образования на основе стратегии, проанализированы вопросы продолжения реформ образования на системной основе и поднятия их на новый уровень.

**Ключевые слова и фразы:** Университет общественной безопасности, 5 основных целей стратегии «Узбекистан – 2030», развитие международного образования, Университет общественной безопасности «Лучший государственный университет-2023», сотрудничество с Военной прокуратурой.

### THE UNIVERSITY OF PUBLIC SECURITY IS AIMED AT ACHIEVING THE GOALS OF THE UZBEKISTAN-2030 STRATEGY

**Abstract:** The article reflects the issues of approving the "Uzbekistan-2030" strategy, organizing and monitoring its implementation.

*Taking into account that a special place was given to education system reforms based on the strategy, the issues of continuing education reforms on a systematic basis and raising them to a new level were analyzed.*

**Key words and phrases:** *Public Security University, 5 main goals of the "Uzbekistan - 2030" strategy, development of international education, Public Security University "The best state university-2023", cooperation with the Military Prosecutor's Office.*

Президентимизнинг “�збекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони, “�збекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “�збекистон – 2030” стратегияси лойиҳалари кенг жамоатчилик эътиборида бўлиб турибди.

Стратегияда беш йўналиш – ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ҳамда мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш бўйича 100 та мақсад ўрин олган.

Эътиборлиси, бу мақсадларнинг ҳар бири “Халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида халқимизнинг бугунги ҳаётини янада яхшилаш учун йўналтирилиши кўзда тутилган.

Президент фармони билан тасдиқланган “�збекистон–2030” стратегиясига кўра, республика 7 йил ичида даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириши, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизими яратилиши, халқ хизматидаги адолатли давлат барпо этилиши кераклиги таъкидланди

Ҳозирги вақтда ахборот ва телекоммуникация технологиялари ривожланиши билан боғлиқ бўлган жамоатчилик муҳокамаси институти кенг тарқалмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “�збекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони, “�збекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “�збекистон – 2030” стратегияси лойиҳалари ҳам электрон тармоқлар орқали жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ версияси [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) ва [2030.strategy.uz](http://2030.strategy.uz) порталларида эълон қилинди. Фармон лойиҳасида “�збекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш, унинг ижросини ташкил этиш ва мониторинг қилиш масалалари ўз аксини топган. Қарор лойиҳасида эса стратегияни 2023 йилда амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ҳамда 2024 йилга мўлжаллан вазифалар акс этган. Бунда “�збекистон – 2030” стратегияси

мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичлари содда ва қулай шаклда ифодалангани билан аҳамиятлидир.

Мазкур стратегия лойиҳасида таълим тизими ислоҳотларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Бу – бежиз эмас. Чунки таълимни ривожлантирмасдан туриб, юксак тараққий этган жамият барпо этиш мушкул. Шу боис, ҳужжат лойиҳасида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган таълим ислоҳотларини тизимли асосда давом эттириш ва янги босқичга кўтариш кўзда тутилган. Жумладан, педагоглар малакасини ошириш имкониятини кенгайтириш ва уларнинг моддий турмуш шароитини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгиланган.

Стратегия лойиҳасида “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни чет мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш режасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Бу педагогларимиз учун катта имконият бўлиб, илғор хорижий давлатлар тажрибасини амалиётда қўллашга кенг йўл очади<sup>69</sup>.

Олий таълим билан боғлиқ ишлар алоҳида эътиборга эга. Стратегия лойиҳасида олий таълим қамровини янада кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадлари назарда тутилган. Ҳозирги кунда ОТМларнинг асосий мақсадларидан бири малакали кадрлар тайёрлаш ва дунёнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик ўрнатишдир. Шундан келиб чиқиб, хорижий илмий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни ҳам жорий этиш дастури киритилмоқда.

Қувонарли яна бир жиҳати шундаки, мамлакатимиз ОТМлари кейинги йилларда сезиларли натижаларга эришмоқда. Яқинда Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти “Times Higher Education” агентлиги томонидан эълон қилинган “The Impact Rankings” рейтингида мамлакатимиздаги 47 та олий таълим муассасаси қайд этилгани бунинг исботидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети жорий йилнинг 20 декабридан 20 январга қадар @talimuz саҳифасида ташкил этилган “Энг яхши давлат олийгоҳи-2023” танлови доирасида 117 нафар номзодлар ичида 17.605 овоз билан мутлоқ ғолиб деб топилди<sup>70</sup>.

Бугунги кунда Жамоат хавфсизлик Университетининг илмий салоҳияти 80%ни ташкил этмоқда.

Шунингдек Университетнинг олдига қўйган олий мақсадларидан бири бу – ўз имкониятлари доирасида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълимни ривожлантиришдир.

<sup>69</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси <https://yuz.uz/news/ozbekiston--2030-strategiyasiislohotlarimiz-shiddati-va-mazmundorligini-oshirishga-xizmat-qiladi>

<sup>70</sup> @talimuz

Бу мақсадли йўлда амалга ошириб келаётган сай ҳаракатларини санаб ўтишимиз мумкин<sup>71</sup>:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5077-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди. Шу муносабат билан Университетда бир қатор бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқитиш жорий қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан жорий йилнинг 9-январ куни “14-январ - Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан “Ҳарбий соҳадаги иқтидорли ёшлар ва ёш олимларнинг илмий ишланмалари ва инновацион лойиҳалари форуми” бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия тизимларида фаолият юритиб келаётган иқтидорли уошлар ва ёш олимларнинг илмий ишланмалари ва инновацион лойиҳалари кўргазмаси ҳамда энг сара ишланмалари тақдимотларда намоиш этилди. Шунингдек Жамоат хавфсизлиги университети 3-курсантлар баталёнининг 371А гуруҳ курсанти Амриддинов Феруддин Зайнобиддин ўғли, 372 гуруҳ курсанти Рафиқов Бунёд Акмал ўғли Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ёшлар академияси аъзоллигига қабул қилинди. Шу билан бир қаторда уларнинг илмий раҳбари Ахборот технологиялари кафедраси доценти, техник фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) капитан Мамбетшарипов Юсуп Рахатовичга Ёшлар академияси лидери унвони берилди.

- Жорий йилнинг 12-15 ноябрь кунлари Туркия Республикаси Жандармерияси Бош қўмондони ўринбосари генерал-полковник Хусейн Куртоғлу бошчилигидаги Туркия Жандармерияси делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи ташкил этилди. Мазкур тадбир давомида, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида бугунги кунда ўрнатилган мустаҳкам стратегик шериклик муносабатлари эътироф этилиб, ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ташриф дастурига мувофиқ делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Миллий гвардия Маънавият ва маърифат маркази, Болалар психологияси маркази, Ахборот хизмати фаолияти, “Темурбеклар” ҳарбий академик лицейи ва Кавалерия эскадронига ташрифи амалга оширилди. Ўтказилган музокаралар натижасида, Ўзбекистон Миллий гвардияси ва Туркия Жандармерияси ҳарбий хизматчиларининг

<sup>71</sup> <https://mgjxu.uz/uz>

профессионал малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари борасида қатор келишувларга эришилди.

- Бугунги кунда Жамоат хавфсизлиги Университети таълим соҳасида тажриба алмашишга, таълим соҳасидаги қонунчилик ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот билан ҳамда муайян соҳаларда чоратадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган, таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва режалаштириш бўйича Қозоғистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг “Barimbek Beysenov nomidagi Karaqanda” Академияси, Қозоғистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг “Makan Yesbulatov nomidagi Olmota” академияси, Жанубий Корея Полиция миллий универтитети, Япониянинг “Nagoya” университети, Қозоғистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий институти, Туркия республикаси Миллий мудофаа университети, Буюк Британиянинг “nogwich” тил таълим институти, АҚШ “West-Point” академияси, Беларус Республикасининг Алоқа академияси, Беларус Республикаси Ички ишлар академияси, Россия Федерацияси Миллий гвардия кўшинлари федерал хизмати “Perм” ҳарбий институти, Россия Федерацияси миллий гвардия кўшинлари федерал хизмати Санк-peterburg ҳарбий институти, Туркия ИИБ Жандармерия ва соҳил хавфсизлиги академиялари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, стратегия лойиҳасига асосан, жорий йилнинг 20 январ санасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўртасида меморандиум имзоланди. Айни кўзланган мақсад ҳам ўзаро ҳамкорлик, курсантлар ва талабаларнинг олаётган билимларини мустаҳкамлаш, назарий билимларнинг амалиёт билан боғлашда, ҳарбий прокуратурага етук салоҳиятли кадрларни етиштириб беришда кўмаклашиш мақсадлари кўзланди.

Шунингдек Жамоат хавфсизлик Университети бошлиғи полковник Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович ташаббуслари билан ҳарбий прокуратура ходимларининг ҳам илмий салоҳиятини оширишда ўзаро дўстона ҳамкорликка Университет тайёр эканини таъкидлаб ўтдилар.

Юқорида келтириб ўтилган Университет доирасидаги амалга ошириб келинаётган сай ҳаракатларнинг барчаси, стратегиядаги мақсад ва кўрсаткичларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши кўзлайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси мамлакатимиз ривожининг муҳим фундаментал асосларини ўзида қамраб олган бўлиб, фаолиятимизнинг устувор вазифаларини белгилаб беради. Халқаро ҳамжамиятнинг кўз ўнгида давлатимиз мавқеи ва обрўсини янада мустаҳкамлашга, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилади.